

## РУС ШАРҚШУНОСЛАРИ АСАРЛАРИНИНГ СУРХОН ВОҲАСИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Жовлиева Махлиё Ҳолмўмин қизи

Термиз шаҳар 3 мактаб тарих фани ўқитувчиси.

+99893 469-19-93. [mahliyojovliyeva600@gmail.com](mailto:mahliyojovliyeva600@gmail.com)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17098152>

**Аннотация.** Мазкур мақолада рус шарқшунос олимларининг асарлари Сурхон воҳаси тарихини ўрганишида муҳим манба сифатида таҳлил қилинади. XIX–XX аср бошларида Марказий Осиё, жумладан Сурхон воҳасида олиб борилган тадқиқотлар воҳасининг қадимий маданияти, археологияси, этнографияси ва тарихий жараёнларини ёритишида алоҳида ўрин тутади. Рус шарқшуносларининг илмий изланишлари Сурхон воҳасининг қадимий шаҳарларида топилган моддий маданият ёдгорликларини илмий муомалага киритишга хизмат қилган. Уларнинг асарлари бугунги кунда ҳам воҳасининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, ҳалқ хўжалиги, аҳолининг турмуши тарзи ва тарихий тараққиёти ҳақида қимматли маълумот беради. Шунингдек, рус шарқшуносларининг илмий мероси Сурхон воҳаси тарихини ўрганишида ҳозирги замон тадқиқотчилари учун муҳим манбашунослик асоси ҳисобланади.

**Калим сўзлар:** Рус шарқшунослари, Сурхон воҳаси, тарих, манбашунослик, археология, этнография, илмий мерос.

**Annotation.** This article analyzes the works of Russian orientalists as an important source in the study of the history of the Surkhan Valley. The research conducted in Central Asia, particularly in the Surkhan Valley, during the 19th–early 20th centuries, plays a significant role in illuminating the region’s ancient culture, archaeology, ethnography, and historical processes.

The scientific investigations of Russian orientalists contributed to introducing the material cultural monuments discovered in the ancient cities of the Surkhan Valley into scholarly circulation. Their works still provide valuable information about the socio-political life, economy, daily lifestyle, and historical development of the valley. Furthermore, the scholarly heritage of Russian orientalists serves as an important source base for contemporary researchers in studying the history of the Surkhan Valley.

**Keywords:** Russian orientalists, Surkhan Valley, history, source studies, archaeology, ethnography, scholarly heritage.

**Аннотация.** В данной статье анализируются труды русских востоковедов как важный источник при изучении истории Сурхандарьинской долины. Исследования, проведённые в Средней Азии, в частности в Сурхандарьинской долине, в XIX – начале XX вв., занимают особое место в освещении древней культуры, археологии, этнографии и исторических процессов региона. Научные изыскания русских востоковедов способствовали введению в научный оборот памятников материальной культуры, найденных в древних городах Сурхандарьинской долины. Их труды и сегодня представляют ценные сведения о социально-политической жизни, народном хозяйстве, быте населения и историческом развитии долины. Кроме того, научное наследие русских востоковедов служит важной источниковой базой для современных исследователей при изучении истории Сурхандарьинской долины.

**Ключевые слова:** Русские востоковеды, Сурхандарьинская долина, история, источниковедение, археология, этнография, научное наследие.

Сурхон воҳасининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ўрганишда россиялик олим, сайёҳ ва ўлкашунослари асарлари ҳам катта аҳамиятга эга. Айниқса, Д.Н.Логофет томонидан ёзилган “Страна бесправия”, “Бухарское ханство под русским протекторатом”, “В горах и на равнинах Бухары”, “Орошение Термеза”, “Хлебная торговля и запасы Восточной Бухары”, “В забытой стране. Путевые очерки по Средней Азии”, “Почтовотелеграфные участки в Бухарских владениях” асарлари воҳа тарихини ўрганишда муҳим манба вазифасини ўтай олади. Н.Логофетнинг “Страна бесправия”, (1909) асари Бухоро амирлигининг, жумладан Сурхон воҳасининг XX аср бошларидағи сиёсий, иқтисодий ҳаётини ўрганишда ўзига хос ўринга эга. Бухоро амирлигининг сиёсий ҳаётида воҳа ўзига хос ўринга эга. Маълумки, воҳанинг Денов беклиги билан чегарадош Ҳисор беклиги Бухоро амирининг энг қайноқ нуқталаридан бири саналиб, сиёсий можаролар даврида ўз-ўзидан воҳа бекликлари бунинг иштирокчисига айланиб қолади.

Асарда, амирлик аҳолисининг этнографик жиҳатидан жойлашишини 8 группага бўлиб кўрсатиб, энг гавжум аҳоли истиқомат жойларига Сурхон дарёсининг юқори оқими, Кофирниҳон ва Қизилсув дарёлари атрофи келтириб ўтилган. Бухоро амирлиги чор Россиясининг вассалига айланган даврда, 1888 йилдан бошлаб, жанубий чегарада Термиз истеҳкомини қуришга эътибор қаратгани ҳолда, руслар истиқомат қиласидан тўртинчи пунктни юзага келтирдилар. Мазкур асарда, иқтисодий ҳаёт, жумладан дехқончилик ва унинг иқтисодий ҳаётдаги ўрни таҳлил этилган. Дехқончиликнинг икки тури, жумладан катта майдонда лалми дехқончилик қилиш имконияти мавжудлигини келтириб ўтгани ҳолда, дарё бўйларида (Сурхон, Кофирниҳон, Амударё ва бошқа) қадимдан фойдаланиб келинган ирригация тизимлари орқали мўл ҳосил олиш мумкинлиги ва катта микдорда экин экиладиган майдонлар борлигини қайд этилади. Ҳақиқатан ҳам воҳа бекликлари аҳолиси ғаллачиликда ўзига хос мактаб яратиб ундан мўл ҳосил олганлар. Улар нафақат аҳолининг ғаллага бўлган эҳтиёжини қондирибгина қолмасдан, Бойсун беклигига 2000 пуд, Денов беклигига 25.000 пуд Шеробод беклигига 14.000 пуд ортиқча ғалла қўшни бекликлар бозорига етказиб берганлар. Дон маҳсулотларининг нархи қўйидагича келтирилади: 1 ботмон буғдои-32 тангадан-50 тангагача, арпа 20 тангадан-40 тангагача.

Бундан ташқари амирликнинг бир йиллик солиқдан тушадиган даромади ва унинг бекликлар кесимини ҳам татқиқ қилинган. Муаллиф берган маълумотга қараганда, Бойсун беклиги 150.000 рубл, Шеробод 150.000 рубл, Денов 200.000 рубл микдорида солиқ тўлаши қайд этилган. Бухоро амирлигининг Амударё орти давлатлари билан бўладиган савдо алоқаларида Сурхон воҳасининг тутган ўрни, хусусан Чўчқагузар, Термиз, Паттакесар кечувлари ва унда ўрнатилган хақ ҳам асарда анча мукаммал ўрганилган. 376 верст Термиз-Самарқанд почта йўлининг қурилиши асосан маҳаллияҳоли томонидан қурилганлиги ва унинг муҳим стратегик аҳамиятга эга эканлиги таъкидланган. Амударё сув йўлида қайиқлар ҳаракати қийин бўлган даврда, Термиздан то Саройгача дарё қирғоғи бўйлаб ҳаракат тўхтамаганлиги қайд этилади. Термиз темир йўл қурилиши ва унинг аҳамияти ҳақида ўз фикрларини баён этган.

Унинг “Бухарское ханство под русским протекторатом” асарининг 2-қисмида воҳа ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан боғлиқ кўплаб маълумотлар келтирилган. “Маориф ва дин” бўлимида Бухоро амирлигидаги маданий ҳаёт ва дин хақида тўхталиб, Денов, Юрчи, Шеробод шаҳарларидағи мадрасалар тўғрисида маълумоткелтиради. Амирликдаги солик тизими ning тартибга солинмаганлиги натижасида аҳоли ахволининг оғирлашиб бориши, яшаб турган ҳудудларни ташлаб, айниқса афғон билан чегарадош ҳудудларда кетиши ҳолларининг юз беришига олиб келди. Воҳа дарёлари ва уларнинг суғориш тизимидағи ўрни хақида ҳам қимматли маълумотлар келтирилган. Бирон бир ирригация ишларини олиб бормасдан туриб, Сурхон дарёси ҳудудида 1000 кв. верст дехқончилик қилишга яроқли ер мавжудлиги баён қилинган. Дехқончилик экин турлари ва ундан олинадиган ҳосилдорлик тўғрисида ҳам маълумотлар мавжуд. Масалан оби ерга сепилган 8 пуд ғалла уруғдан 150 пудгача, кунжутдан 120-200 пудгача, пахтадан 120 пудгача ҳосил олиниши қайд этилган. Айнан Логофет тадқиқ қилган йилларда Термиз атрофида полизчиликнинг янги экин турлари, жумладан карам, бодринг, картошка, саримсоқпиеz экила бошланган.

Мазкур асарда чорвачилик ва унинг иқтисодиётдаги ўрни муаллиф томонидан чуқур ўрганилган. Энг муҳим чорва тармоғи қўйчилик, тяччилик ва уларнинг аҳоли жон бошига нисбати ҳам берилган. Жумладан, Амирликда мавжуд қўй сони аҳоли жон бошига нисбатан 3,5 тадан, тия 6 кишига 1 тадан тўғри келиши кўрсатилган. Бухоро ва Россия ҳукуматининг шарқ давлатлари билан олиб бориладиган савдо алоқаларида Термизнинг муҳим стратегик нуқта эканлиги, йўл қурилиши соҳасига сарфланадиган маблағ қисқа вақт ичida ўзиниъ оқлаши кенг таҳлил қилинган.

Хулоса қилганимизда, Д.Н.Логофет асарлари Сурхон воҳасининг тарихини ўрганишда ўзига хос ўринга эга. Сурхон воҳасининг Рус шарқшунослари манбалар асосида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий тарихини ўрганиш ва амирликнинг шарқий ҳудудларидағи ахвол, бекликларнинг ташкил топиши, маъмурий тузилиши, бошқарув тизими ning шаклланиши, бекликларда иқтисодий хўжалик ва солиқлар тизими ning олиб борилиши ҳамда бекликлардаги ҳалқ оммасининг турмуш тарзи ва маданий ҳаёти соҳасидаги ишларни илмий таҳлил қилиш ва тарихшунослик фанига ҳолисона танқидий олиб киришга имконият яратилди. Манбалар асосида Россия империяси томонидан олиб борилган мустамлакачилик сиёсати, унинг натижалари ва салбий оқибатлари мустабид тузумнинг зиддиятли томонлари, миллий камситиши сиёсатини баён этиш, мустамлакачилар даврида олиб борилган иқтисодий сиёсатни таҳлил қилиш ва унинг асосий йўналишларини кўрсатиб бериш, умуман олганда, Россия империяси мустамлакачилиги даврида Сурхон воҳаси ҳаёти қандай бўлганлиги, ундаги ўзгаришлар, ижтимоий-иқтисодий, ҳарбий- стратегик манбаатларини очиб бериш кўзда тутилган.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Логофет Д.Н. Страна бесправия. Бухарское ханство и его современное состояние. – СПБ., 1909.-9 с
2. Покотило. Отяёт о поездке в переделы Центральной и Восточной Бухары в 1886-Ташкент, 1888, С.63

3. Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатоме. Т.II –СПБ., 1911.-7с
4. Кастольский.Б.Н. историко - географический обзор Сурханской Шираабадской долин. «Вестник ирригации», Ташкент, 1930, №2, стр. 64-85, №3, стр. 3-19 и №4, стр. 3-21;
5. Лунин.К. К истории городе Термеза. -Исторический журнал», М. 1944, кн. 4, стр. 100-183;
6. Албаум Л.И. Раскопки буддийского комплекса Фаяз-тепе (по материа-
7. лам 1958-1972 гг) Древняя Бактрия. Л.,1974 -С-53-58. Он же. Балалик-тепе. К истории материальной культуре и исскуства Тохаристана Т., 1960-С.227. 13. 13.
8. Бартольд В.В. Козловский В.А. История города Термеза, Т., объединенное из во «Кизил Узбекистана», «Правда Востока» и «Ўзбекистони сурх», 1959.